

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



АЖ устав фондининг энг кам миқдори 4 барабар камайтирилади

Мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурига (1.08.2018 йилдаги ПФ-5495-сон Фармон) мувофиқ 2018 йил 15 сентябрга қадар тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши керак.

2008 йилда Ўзбекистонда АЖ устав фондининг энг кам миқдори – жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада МБ курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг сумма тасдиқланган (18.11.2008 йилдаги ПФ-4053-сон Фармон). Ушбу қиймат кейинчалик «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда мустаҳкамланган.

Бироқ Президентнинг 2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармони билан белгиланишича, жамиятларнинг

устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади. Шу сабабли устав фондининг энг кам қиймати ўша пайтда амал қилган курс бўйича сўмга қайта ҳисобланиб, қонунга ўзгартиришлар киритмаган ҳолда 1 600 млн сўм даражасида қайд этилди. Ушбу рақам Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги янги низомида акс эттирилди, бу билан у амалда қўлланиладиган бўлди.

Энди эса АЖ устав фондининг энг кам миқдорини 400 млн сўм миқдоригача, яъни 4 барабар камай-



тиришга қарор қилинди. Бу вазиятда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритилиши шарт. Шу сабабли Давлат рақобат қўмитаси, ЛБМА, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлигига 2018 йил 15 сентябргача тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.08.2018 йилдан кучга кирди.

Туман ва шаҳарларда «Business city» барпо этилади

Объектлардаги (шу жумладан «Tashkent city» ХИМдаги) инвесторлар ва пудратчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди

Президентнинг 2.08.2016 йилдаги ПҚ-3895-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Business city» форматидаги замонавий ишбилармонлик марказлари барпо этилади.

Аниқ ҳудудда уларни барпо этиш тўғрисидаги қарорларни 1.01.2019 йилгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга қўра қабул қилади.

Лойиҳани амалга ошириш механизми қуйидагича:

➤ ҳудуд аниқлангандан кейин ҳақиқатда яшовчи оилалар рўйхатини аниқлаган ҳолда бузиладиган уй-жойлар, яшаш учун мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар инвентаризациядан ўтказилади (1.01.2019 йилдаги ҳолатга қўра);

➤ ҳудуд участкаларга (лотларга) бўлинади ва танлов бўйича инвесторлар энг яхши таклифлар асосида танлаб олинади;

➤ фуқаролар ва ташкилотларга етказилган зарарларни қоплаш, ҳудудни тозалаш ва ер қозиш ишларини бажариш, майдон ичидаги тармоқларни қуриш, умумий фойдаланиладиган ҳудудларни ободонлаштириш, реклама ва тақдирот маросимларини

ўтказиш, шунингдек консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари инвесторларга тақдим этиладиган участкалар ҳажмига қараб мутаносиб улушда уларнинг маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига қопланади;

➤ тартиб келинадиган муҳандислик тармоқлари қурилиши – «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбектелеком» АҚ ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз маблағлари ҳисобига қопланади;

➤ инвесторлар жалб этадиган пудратчилар лицензия ва рухсатномаларсиз «fast-track» (бир йўла лойиҳалаштириш, сотиб олиш ва қурилиш ишлари) усулида фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарт билан қурилиш ишларига қўйилади.

Лойиҳа доирасида қуйидагилардан озод қилиш тарзида имтиёзлар берилган:

а) 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга;

➤ инвесторларга – мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан;

➤ бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотларига –

норезидентлар бажарадиган ишлар (кўрсатадиган хизматлар) бўйича ҚҚСни тўлашдан;

➤ норезидент ташкилотларга – доимий муассаса орқали ёки Ўзбекистондаги тўлов манбаидан олган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

➤ дирекциялар, инвесторлар, бош пудрат ташкилотига – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона йиғимлари бундан мустасно);

б) дирекцияларга – «Business city» марказлари фаолият юритадиган бутун даврда барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан.

Жалб қилинадиган хорижий мутахассисларнинг эса барча ҳужжатлари: кириш визаларидан тартиб Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи тасдиқномаларигача бепул расмийлаштирилиши таъминланади.

Юқорида баён этилган барча имтиёзлар «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказига ҳам татбиқ этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 3.08.2018 йилдан кучга кирди.

Кўчмас мулк бузилганда зарарлар қопланади

Президентнинг 27.07.2018 йилдаги ПФ-5490-сон Фармони билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва бизнесга етказилган зарарларни қоплашнинг янги механизми маъқулланди.

Ҳозир Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомига

(ВМнинг 29.05.2006 йилдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган) кўра компенсация бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

➤ олиб қўйиладиган ер участкалари корхоналар,

муассасалар ва ташкилотларга ажратиб берилган тақдирда – ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига;

➤ бошқа ҳолларда – чорак якуни бўйича прогноздан ортиқча тушган маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармаси маблағлари ва (ёки) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

2-бетда

Ушбу
сонда:

«Obod Uy» – пойтахт учун тажриба лойиҳаси. Унинг моҳияти ва фойдаси нимада?

«Тариф режаси»: жиддий ҳужжатми ёки дастурчининг қораламасими

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Йул инфратузилмасининг янги стандартлари

Кўчмас мулк бузилганда зарарлар қопланади



вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳисоб рақамларига давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушадиган тақсимланадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига.

Ягона марказлаштирилган қоплаш манбаи мавжуд эмас. Бу жойларда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келмоқда. Чунончи, Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2016–2018 йиллар мобайнида 37 нафар мулкдорга 3 млрд 252 млн сўм миқдоридagi компенсация тўланмаган, 215 нафар мулкдорга эса

15 млрд 67 млн сўм компенсация тўлиқ тўланмаган. Бундан ташқари, 100 та ҳолатда бузилаётган турар жойлар баҳолашмай туриб тўловлар тўланган, 391 та ҳолатда эса уй-жой бузилгандан кейин баҳолаш ўтказилган.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 2 ой муддатда Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамгарма ташкил қилинади. У маҳаллий бюджетларнинг

даромад қисми ва бошқа манбалар ҳисобига тўлдирилади (олиб қўйилаётган ер участкаларини олувчиларнинг маблағлари ҳам унга киритилса керак).

Бу – муҳим! Жамгарма билан келишувга эришмай ер участкаларини олиб қўйиш тақиқланади. Мақола муаллифининг фикрича, бу компенсация тўлиқ тўланмагунча кўчмас мулкни бузиш, шунингдек мол-мулкни баҳолаш натижаларини пайсайтериб кўрсатиш ҳолатларини истисно этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган, 30.07.2018 йилдан кучга кирди.

23.07.2018 йилдаги ЎРҚ-486-сон Қонунга кўра баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликлар билан муомала қилишдаги ҳуқуқбузарликлар учун – 40 ЭКИХгача жарима

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги модда билан тўлдирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жарималар жорий этилди.

Жарима миқдори ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятига боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, санкциялар оширилади:

➢ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек агросаноат маж-

муи соҳасида технологик жараёнлар талабларини бузганлик учун – ЭКИХнинг 15 бараваридан 20 бараваригача;

➢ қишлоқ хўжалиги ўсимликларига доир ҳужжатларни юритиш қоидаларини бузганлик ёхуд ушбу ҳужжатларга уруғликларнинг навлари ва экилиш сифатлари тўғрисидаги нотўғри маълумотларни ки-

ритганлик учун – ЭКИХнинг 25 бараваридан 30 бараваригача (мансабдор шахсларга солинадиган);

➢ кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – ЭКИХнинг 30 бараваридан 40 бараваригача.

Маълумот учун: кўрсатилган қоидаларнинг фрагментлари Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низоом (ВМнинг 4.09.2003 йилдаги 383-сон қарорига 1-илова); Уруғлик дони қабул қилиш, тайёрлаш, дориллаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома; Дон ҳавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (ВМнинг 31.03.2016 йилдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган) ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд.

Маҳаллий даражадаги депутатлар суд раисларининг ахборотини эшитадилар

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Судлар тўғрисида»ги қонунларга ана шундай тузатишлар киритилди.

Тузатишларга кўра, судлар раислари 1 йилда камидан 1 марта тегишли даражадаги вакиллик органларига суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотни юборишлари шарт. Мазкур ахборот қуйидагича тақдим этилади:

➢ Қорақалпоғистон Республикаси суди раиси томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига;

➢ вилоят суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашига;

➢ Тошкент шаҳар суди раиси томонидан – халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига;

➢ туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашига.

Халқ депутатлари Кенгашлари судьялар тақдим этган ахборотни тинглаб, мазкур масала юзасидан ўз қарорларини Судьялар олий кенгашига юборадилар.

Эслатиб ўтамиз, Судьялар олий кенгаши 2017 йилда мамлакатда суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида судьялар ҳамжамияти органи сифатида ташкил этилган. Унинг ваколатларига қуйидагилар қиради:

➢ судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш;

➢ давлат раҳбарига вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

Жўқорғи Кенгесга Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисида ҳулосалар киритиш;

Президент билан келишган ҳолда вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва судьяларини лавозимдан озод этиш.

Шу билан бир қаторда, вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги судьялар ҳар ойда жойларда аҳоли билан учрашишлари, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида ОАВ орқали хабардор қилиб боришлари шарт.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.07.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Эълонлар

ТИЖОРAT TAШKИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Давлат статистика қўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 23 июнда 2956-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 99-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги 4-мб-сонли қарори иловасига мувофиқ 1-moliya shakli «Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳисобот»ни ҳар ойнинг 18-санасига қадар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 19 декабрдаги 6-мб-сон қарори 103-сон иловасига мувофиқ 1-K shakli «Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисобот»ни ҳар ойнинг 2 санасига қадар давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали Интернет тармоғи воситасида электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишларини эслатиб ўтади.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-09, 230-88-26, 230-88-29.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– «Obod uy»: сараги – саракка, пучаги – пучакка

– «Obod uy» гоёсига нималар тўсқинлик қилмоқда

– Мухрсиз муносабатлар

• МАВЗУНИ ЎҚУВЧИ БЕЛГИЛАДИ

3-6-бетлар

– Ташвишга тушманг: «тариф режаси» «ҳаводан» олинган

7-бет

• АВТОНОРМА

– Оддий ёзма шаклда

– Йўллардаги ўзгаришлар

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

✓ «Obod uy»: сараги – саракка,
пучаги – пучакка

✓ – «Obod uy» ғоясига нималар
тўсқинлик қилмоқда

✓ Мухрсиз муносабатлар

«Obod uy»: сараги – саракка, пучаги – пучакка

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида уй-жой мулкдорлари
ва ХУМШ онлайн-маълумотлар базаси ишламоқда**

Йил бошида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги тўртта даҳа (Қорасув-1, 2, 3, 4) аҳолиси «Obod uy» дея ном олган янгиликнинг гувоҳи бўлди. Унинг ўзи нима эканлиги ва қай мақсадда ташкил этилганлиги ҳақида ХУМШнинг кўпчилик раҳбарлари ва аъзоларида ҳанузгача тўлиқ тушунча йўқ. Уни Мирзо Улуғбек тумани ХУМШ уюшмаси илгари сурмоқда. Умуман олганда, бу умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар тўланишини ҳисобга олувчи ахборот тизимидир. Унинг кетидан ширкатлардаги муҳрлар билан бирга мазкур даҳалардаги ХУМШнинг бутун бухгалтериясини ўз қўлига олиб, кўп норозиликларни келтириб чиқарган яна бир янгилик амалга киритилди. Кимдир Ягона ҳисоб-китоб маркази (ЯХМ) бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатмоқда, деб ҳисоблаётди. Уй-жой соҳасида амалга оширилаётган ислоҳот доирасида ана шундай марказлар ташкил этилиши назарда тутилган. Кимдир – шаҳар ЯХМнинг (дарвоқе, у ҳали ташкил этилгани йўқ) туман филиали деб, учинчиси – штаб деб қабул қилмоқда. Аксарият қисми – ривожланиш босқичидаги «Obod uy» деб ҳисобламоқда. Қисқаси, аниқлик йўқ. Бу эса ҳар хил уй-хаёллар, миш-мишларни юзага келтиради, норозиликка, ижтимоий тармоқларда қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилишига, таҳририятга мурожаат қилинишига сабабчи бўлади. Биз Тошкент шаҳар ХУМШ уюшмаси раиси Кристина Тантибоева билан биргаликда Мирзо Улуғбек туманидаги янгиликлар билан танишишга киришдик. Пойтахтимизнинг барча туманларида ушбу пилот лойиҳалар татбиқ этилиши назарда тутилаётганлиги боис бу маълумотлар келгусида ҳамма учун фойдали бўлади.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзueий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

«Obod uy» нима ўзи?

Бу ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари тўланишини ҳисобга олувчи интеграцияланган тизим, уй эгасининг электрон картасидир. «Obod uy» ВМнинг «2017–2019 йилларда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (12.12.2016 йилдаги 400-сон) доирасида амалга оширилмоқда. Лойиҳа ижросиси – Аҳборот коммуникациялари вазирлиги, унинг қўймати – 1 200 млн сўм. У ширкатлар аъзолари ва раҳбарларига мўлжалланган. У 32 та ХУМШ, 179 та кўп квартиралли уйда яшовчи 9 075 та мулкдорни қамраб олган. Уй-жой мулкдорлари ва ХУМШни онлайн-маълумотлар базасига улаш бепул.

«Obod uy» тизими нима учун керак? Аҳолига қўлайлик яратиш, уларнинг маблағлари ҳаракати шаффофлигини таъминлаш учун. Ўз балансларини исталган пайтда онлайн режимда текшириб, пуллари ҳисоб-китоб счётига тушгани, белгиланган мақсадга, уйдаги умумий мол-мулкни яхшилаш ишларини бажаришга йўналтирилганлигига ишонч ҳосил қилсинлар. ХУМШ аъзолари ва раҳбарияти ўртасида юзага келадиган асосий савол ана шу.

Уй аҳли ушбу жараёни ўзлари, «Obod uy» сиз назорат қилишларига нима ҳалақит беради? ХУМШ иши тўғрисида ахборотнинг йўқлиги ва ушбу маълумотларни ошкор қилишдан манфаатдор бўлмаган раҳбариятнинг суиистеъмолчиликлари. Ўз ширкати фаолиятдан норози бўлган кўп фуқаролар масалага оидинлик киритишни, бунга вақтлари, асабларини кетказишни истамайдилар – шикоят билан чекланиб қўя қоладилар. Уларнинг беҳабарлиги ва сусткашлиги масъулиятсиз раҳбарга қўл келади. Бу ҳолатда ахборот ололмасликлари аниқ. Одатда икки хил бухгалтерия юритувчи ширкатлар аслида бошқа мақсадни кўзлаб, кредит кетидан яна кредит олаверади (уларни қайтариш ҳақида уйлаб ҳам ўтирмайдилар). Буларнинг бари ХУМШ аъзоларини хабардор қилмай, умумий йиғилишларда уларнинг фикрини олмай туриб амалга оширилади. Оқибатда – бадаллар жуда оғир кетади, пул эса доим йўқ бўлади.

Муваффақиятли фаолият юритаётган ширкатларда «шаффофлик – ишонч – бошқарув кўмаги – тўлов интизомини ошириш – уй аҳли фаоллигининг ошиши» занжири натижани таъминлайди. Пуллари четга кетмай, ишлар амалда бажарилаётганининг гувоҳи бўлган одамлар бадалларни бажонидил тўлайдилар. Шу сабабли ХУМШ очик-ойдин ишлашини таъминлаш фақат фойда келтиради. Соғлом фикрловчи киши бунга эътироз билдирмайди.

«Obod uy» бунга қандай эришади?

«Obod uy» онлайн-базасининг шахсий кабинетиди – турар жой, бадал тарихи, ойлик ҳисобланмалар, ойма-ой тўловлар тарихи, қарздорлик, шу жумладан уйнинг умумий қарзи бор-йўқлиги ҳақида ахборот бор. Шу ернинг ўзига уйда авария юз берганда кўнгирак қилиш лозим бўлган те-



лефон рақамлари кўрсатилган. Вақтни тежаб, квартирадан туриб ХУМШга буюртманомалар бериш имкони борлиги ҳам яхши. Уйнинг техник тавсифи, ширкат иши тўғрисида ахборот – таъсис ҳужжатларидан жорий ҳужжатларгача бор. Бу ерда уй аҳли учун аниқсиз муҳим бўлган бадаллар оширилиши, олинган кредитлар ва уларнинг сўндирилиши тўғрисидаги умумий йиғилишлар баённомалари, ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар, даромадлар ва харажатлар сметаси акс эттирилган бўлиши лозим. Уйдан чиқмай туриб, ҳужжатлар билан танишиб чиқиш мумкин. Қўлайми? Шубҳасиз. Режада – уй аҳли ўртасида сўровлар ўтказиш, ХУМШ ишини баҳолаш ва шу каби мақсадлар турибди. Ширкат аъзолари учун фойдали ресурс. *Шунга ўхшаш Латвия тажрибаси ҳақида «Норма маслаҳатчи» газетасининг 17.07.2018 йилдаги 29 (678)-сониди ёзган эдик.*

Тўлқин мавжланди

Моҳиятан олганда, «Obod uy» фойдаланувчиларга ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Бу АКТ маҳсулот, аҳоли учун ХУМШ ҳақида фойдали ахборот берилган сайт. Улар учун бепул совға. Истасангиз – қабул қилинг, истамасангиз – йўқ. Ҳеч қандай мажбурлаш йўқ. Фойдали совгадан воз кечсангиз, ютқазасиз. «Obod uy» тизими аҳоли пулини ўғирлапти, уларнинг ҳуқуқларини поймол қиляпти қабилдаги гапларнинг бари ёлгон. Фуқаролар тизим мақсади ва вазифаларидан беҳабарлиги оқибатида шундай миш-мишлар тарқалапти. Бу унинг ташаббускорлари йўл қўйган катта камчилик, улар олдиндан ахборот кампаниясини ўтказиш муҳимлигини назардан четда қолдирганлар.

«Obod uy» ХУМШнинг ишончли ахборотидан фойдаланиши жуда муҳим. Акс ҳолда қўйилган мақсадга эришмайди, ўз моҳиятини йўқотади, аҳоли ўша-ўша ҳолида қолаверади. Мурожаатларга қараганда, айнан шундай бўляпти. Фуқаролар тизимда кўпинча бадаллар нотўғри ҳисоблангани; тўловлар шахсий кабинетда акс этмаслиги;

кредитлар олиш, бадал миқдорини ошириш тўғрисидаги муҳим қарорлар остига қалбаки имзолар қўйилган сохта умумий йиғилишларнинг баённомалари тақдим этилганлигидан шикоят қилмоқдалар.

Бизга тушунтиришларича, «Obod uy» ахборот тизими сифатида ХУМШни назорат қилиш ваколатини олмаган. Бу унинг аъзоларининг иши. Унинг мақсади – аҳоли учун ХУМШ иши тўғрисидаги ахборотни очиб бериш. Токи улар ҳақиқий манзаранинг гувоҳи бўлиб, фаоллик кўрсатсинлар, ўз уйлари ва пулларини ишониб топширган шахсларни ўзлари назорат қилсинлар. Бу мантиққа тўғри келади.

Бироқ аҳолига ёрдам бериш ниятида ташкил этилган

«Obod uy» аввалбошдан ишонч туғдирмай, норозиликларни келтириб чиқаришига нима сабабчи бўлди?

У билан параллель равишда Мирзо Улуғбек тумани ХУМШ уюшмасида иккинчи пилот лойиҳа – **ХУМШ учун марказлаштирилган ягона бухгалтерия** иш бошлади. Унинг ходимларининг сўзларига қараганда, улар ўзаро боғлиқ бўлмаган иккита буткул турли маҳсулот. Бироқ аҳоли бундан беҳабар бўлгани сабабли улар яхлит тизим деб қабул қилинмоқда, ягона бухгалтерия хато равишда «Obod uy» деб номламоқда. Уй аҳли бухгалтерия ишига алоқадор муаммоларни ахборот тизимига боғлаб, улар ўртасидаги фарқни кўрмапти.

«Obod uy» ғоясига нималар тўсқинлик қилмоқда

Биз тизим ишига алоқадор бўлган ўқувчиларнинг мурожаатларидаги қатор саволлар, ижтимоий тармоқлардаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирдик.

1. «Obod uy» мақсади ва вазифалари ҳақида олдиндан кенг ахборот кампанияси ўтказилмаган.

2. Бадалларни тўлашга квитанция олиш учун одамлар ягона бухгалтерияга мурожаат қилишлари керак. Илгари уларни ширкатлардан олиш қулайроқ эди.

Квитанцияни уйда ёки ширкатлар жойлашган маҳаллалар ҳудудидаги операторлик пунктларида ёхуд ягона бухгалтерияда қўғозга чиқариш, ҳақни эса исталган банкда тўлаш мумкин.

3. «Obod uy»даги шахсий кабинетда тўловлар акс этмайди.

«Obod uy» ҳозирча онлайн режимда тўловларни акс эттирадиган банк тизими билан интеграцияланмаганлиги сабабли шундай вазият юзага келмоқда. Яқин орада «Obod uy» ЎзР Марказий банки ягона клиринг тизимига уланади, бу тўлов тўланганлиги ҳақида фойдаланувчига дарҳол хабар бериш имконини яратadi.

4. Тизимдан фойдаланувчилар тўловни тасдиқлашлари керак.

«Obod uy»ни Марказий банкнинг клиринг тизимига улаш масаласи ҳал этилмагунча аҳоли тизимдаги шахсий кабинетда тўловни кўриш учун уни тасдиқлаши керак бўлади. Бунинг учун ягона бухгалтерияга квитанция билан келиш ёки унинг фотосуратини Телеграмда кўрсатилган ягона бухгалтерия рақамига жўнатиш зарур. Фойдаланувчи учун бу ноқулай, уларни тушуниш мумкин. Фўқаро ўз мажбуриятини бажариб, бадалларни тўлади, қолгани билан иши

бўлмаслиги керак. Тизим иши яхши йўлга қўйилмаганлиги, банклар билан ҳамкорлик қилинмаётганлиги сингари муаммоларнинг унга дахли бўлмаслиги даркор.

Тизимдан фойдаланувчилар амалга оширган тўловлар ҳақида тезкор ахборот бериш мақсадида Телеграмда банкирлар учун «Obod uy» гуруҳи ташкил этилган. Бироқ у тез-тез янгилаб турилмайди. Тўловлар ҳақида ҳар куни ахборот берилмайди. Баъзан тўловчиларнинг фамилиялари, манзиллари, шахсий сўтларини кўрсатмаган ҳолда тўловларнинг умумий сони ва миқдори қайд этилади.

5. Тўлов тўланганлиги ҳақидаги квитанциялар қўл билан қайд этилади.

Тўловлар тўланганлиги қўл билан қайд этиб тасдиқланади. Ахборот тизимига инсон омили аралашган жойда доим қонунбузарлик хавфи юзага келади. Масалан, иши кўпайган пайтда бухгалтер адашиб бошқа катакча, бошқа сатрга белги қўйиши мумкин. «Obod uy» клиринг тизимига уланиши билан ушбу муаммога барҳам берилишини бизга маълум қилдилар.

6. Шахсий кабинетдаги турар жойнинг умумий майдони фарқланади.

Туманлар ҳамда шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри органи маълумотлар базалари бирлаштирилмаганлиги оқибатида ана шундай ҳолатлар юз беради. Натижада мулкдор квартиранинг эски режасини янгиланмаган бўлса, фойдаланувчининг шахсий кабинетиде квартиранинг умумий майдони кадастр хизмати маълумотларига мос келмаслиги мумкин. Ёхуд янгиланган бўлса ҳам, туман хизмати маълумотларни шаҳар хизматиға тезкор топширмаган бўлади. Бу муҳим масала. Бадал, ХУМШға тушумлар миқдори унга боғлиқ, сабаби бадал турар жойларнинг умумий майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Майдонларни аниқлаштириш билан ширкатлар шуғулланиши лозим эди, бироқ улар бу ишнинг уddасидан чиқа олмадилар. Ҳозир бу масала билан ягона бухгалтерия шуғулланмоқда.

7. ХУМШ билан алоқа ўрнатилмаган.

Ахборот тизимида аҳолининг ХУМШга мурожаат қилишини назарда тутувчи «Менинг буюртманомаларим» сервиси ишламайди. Фойдаланувчилар буюртманома қабул қилинганлиги ҳақидаги ахборот тизимда бир ойдан сўнг ва ундан ҳам кеч пайдо бўлишидан шикоят қилмоқдалар. Тизим «буюртманома ХУМШга берилган, ижроси назорат остига олинган» дея хабар беради, вассалом. Ваъда қилинган назорат йўқ. ХУМШга етиб борадимийўқми – номаълум. Бизга «Obod uy» назорат функцияларини бажармаслигини эслатиб қўйдилар. Фойдаланувчи буюртманомалар билан бевосита ХУМШга мурожаат қилишини таъминлаш учун ушбу сервисга ишлов бериш керак. Кейинчалик эса – форумларда уй ҳўжалигига оид масалаларни муҳокама қилиш, умумий мол-мулкни бошқариш масалалари бўйича қарорларни электрон тарзда қабул қилиш мумкин бўлади.

8. «Obod uy»да нотулар жойлар мулкдорлари кўрсатилмаган.

Ахир улар ҳам умумий мол-мулкни сақлаш учун бадаллар тўлайдилар, айрим ширкатларда улар ХУМШ аъзоларининг бадалларидан бир неча баробар юқори бўлади. Уларнинг тушумлари даромадлар ва харажатлар сметасида акс этиши лозим. Бундай қилинмаса, уларнинг пуллари қаерга кетаяпти, ширкат нотулар жой мулкдори билан шартнома тузганми ёки томонлар ўзаро келишиш оладиларми деган саволлар юзага келади.



Аксарият ҳолларда бўлганидек, лойиҳа ташаббускорлари уни ишлаб чиққач, буткул тақдир измига ташлаб қўмасликларига умид билдириб қоламиз.

9. Шахсий кабинетда ХУМШ фаолиятига доир муҳим ҳужжатлар: раиснинг ҳисоботлари, даромадлар ва харажатлар сметалари, бадал таркиби, кредитлар олинганлиги ва сўндирилганлиги ҳақида ахборот ва х.к. мавжуд эмас.

Бу дастурнинг камчилиги. Унга кириш имкони йўқлиги боис ХУМШ раиси ушбу блокларни тезкор тўлдириб, янгилай олмайди. Масала ҳал этилиши керак, акс ҳолда тизим ўз вазифасини бажармаган бўлади.

10. ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларда нотўғри ахборот акс эттирилган.

Бунда аслида ўтказилмаган умумий йиғилишлар баённомалари ёки муҳим ҳужжатлар остидаги ХУМШ аъзоларининг сохта имзолари ҳақида сўз бормоқда. «Obod uy» ёрдамида бундай ахборот ошкор бўлган, бироқ тизимнинг ўзи ушбу жараённи назорат қила олмайдиган бўлса, нима қилмоқ керак? Бундай ҳолларда у мулкдорларга ХУМШдаги ҳўқўқбузарликлар ҳақидаги барча ахборотни кўрсатиш орқали ижобий таъсирини кўрсатиб улгуради, бу аҳолининг ўзи ва тегишли ҳўқўқни муҳофаза қилувчи органлар чора кўриши учун асос бўлиши керак.

11. Тизимга тезкор ишлов беришнинг имкони йўқ.

Дастурчи қўшимча ишлов беришни талаб этадиган «Obod uy»нинг заиф жойларини топадиган маъмурулар билан бевосита ишлаши керак.

12. Мулкдорнинг электрон картаси учун айримлар 5 000 сўм тўлашига тўғри келди.

Бизга хабар беришларича, «Obod uy» тизимига кириш учун мулкдорнинг электрон картаси белуп тарқатилган экан. Бироқ бунда пул ишлаб олишга қарор қилган ноинсофлар ҳам топилибди.

Яқун ясаймиз

Тошкент шаҳар ХУМШ уюшмаси раиси Кристина Тантибоева:

– «Obod uy» – пилот лойиҳа, амалга оширилаётган даврда синовдан ўтказилиб, такомиллаштирилиб бормоқда. Демак, дастурчи маъмурулар билан бирга ишлаб, амалиётга, таклиф ва фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда тизимга қўшимча ишлов бериши лозим. Ҳозирча дастур сервери топширилган УҚХ вазирлиги уларнинг барчасини кўриб чиқмоқда. Ундан пойтахтнинг бошқа туманларида фойдаланилиши кўзланмоқда. Шу сабабли ҳам у хомаки эмас, балки қўшимча ишлов берилган, янада функционал маҳсулот бўлиши лозим. Вақт ўтиши билан мулкдорлар уй ҳўжалигини бошқаришда иштирок этишига имкон берадиган ресурсга айланиши мумкин.

Мавзуй сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Муҳрсиз муносабатлар

Мирзо Улуғбек туманида бир қатор ХУМШ муҳрдан маҳрум бўлди

Мирзо Улуғбек тумани ХУМШ уюшмаси ҳузурида ярим йил аввал ташкил этилган марказлаштирилган ягона бухгалтерия аввалбошдан норозиликларга сабабчи бўлди. Туманининг тўртта даҳасидаги (Қорасув-1, 2, 3, 4) ширкатларга ихтиёрий-мажбурий тартибда ХУМШ муҳрлари ва бутун бухгалтериясини унга топширишлари кераклиги хусусида кўрсатма берилди. Бу каби кескин ва кишини шошиштириб қўядиган қарор қабул қилинишига нима асос бўлди?

УКХ вазирлигида тушунтиришларича, туман ХУМШ уюшмаси ҳузурида ягона бухгалтерия ташкил этилишига у ерда «Обод ую» уй-жой мулкдорларининг онлайн-маълумотлар базаси ишга туширилгани муайян даражада туртки бўлди. Унинг мақсади – аҳоли маблаглари ҳаракатланиши ва умуман ширкат ишининг шаффофлигини таъминлаш. Бироқ шаффофлик аниқ ҳисобга олинган маълумотларга асосланиши лозим. Айнан шу маълумотлар панд бермоқда. Аксарият ХУМШларда бухгалтерия ҳисоби қонунларни бузган ҳолда юритилган. Натижада ҳеч қандай шаффофлик ва ишончлилик ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Ягона бухгалтерия маблаглар ҳисобга олинишини тартибга келтириши, ХУМШ аъзоларини ХУМШ ходимларининг молиявий суиистеъмолчиликларидан ҳимоялаши лозим. 2 та жиҳат: муҳрнинг олиб қўйилиши ва мажбурлашни инобатга олмасак, ҳаммаси жойида.

Уй-жой соҳасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги ҳужжатларда УКХ вазирлиги ҳузурида «Ягона ҳисоб-китоб маркази» (ЯХМ) давлат унитар корхоналарини ташкил этиш назарда тутилган. Бошқача айтганда, у ширкатлар шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун буюртма бера оладиган марказлаштирилган бухгалтерия бўлиши керак. Бироқ бир йилдан ортиқ вақт ўтди, Вазирлик ЯХМни амалга ошириш услубияти, механизмларини белгилловчи биронта ҳужжатни ишлаб чиқмади.

Мирзо Улуғбек тумани ХУМШ уюшмаси ҳузурида ягона бухгалтерия ташкил этиб, уни синаб кўришга қарор қилди.


У мазкур хизматларни Уюшма аъзолари билан тузилган, «ХУМШ бухгалтерия фаолиятига доир маълумотлар базасини яратиш ва ҳисоботларни топшириш» хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги бандлар киритилган мужмал шартнома доирасида кўрсатмоқда. **Шартномада Уюшманинг мажбуриятлари қайд этилмаган.** Бунда юридик шахсларнинг (ХУМШ)

муҳрлари ноқонуний равишда унинг бўлинмасида сақланмоқда.

ХУМШ учун бухгалтерия ҳисобини юритишга алоҳида ҳақ белгиланмаган. Уюшмага аъзолик бадаллари ҳисобига хизматлар кўрсатилмоқда. Улар ойига ҳар битта квартирага ҳисобланадиган мажбурий бадаллардан 1 950 сўмни ташкил этади. Бу квартиралар сони оз бўлган кичик ХУМШ учун фойдали бўлса керак. Аслида уларга бундай ёндашув ҳам адолат принципларига жавоб бермайди. 4 хонали ва 1 хонали квартира мулкдорлари бир хил ҳақ тўламоқда. Бунда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қайд этилган бухгалтерия ҳисобини юритишга доир алоҳида шартнома тузилиши, барча квартираларга бир хил қатъий белгиланган ҳақ эмас, шартнома доирасида турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб хизматлар ҳақи ҳисобланиши лозим.

Муҳрларни топшириш ҳам ҳуқуқбузарлик

Ягона бухгалтерияда бизга хабар беришларича, ширкатлардан муҳрлар олиб қўйилмаган. Улар муҳрларни ихтиёрий равишда топширганлар, бу ХУМШ раҳбариятининг суиистеъмолчиликларидан аҳолини ҳимоялаш, ҳисобни тартибга келтириш мақсадида қўрилган вақтинчалик



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

чора. Муҳр бўлмаса, ҳуқуқбузарликлар ҳам бўлмас эмиш. Бироқ ноқонуний усулларга қарши қонунга зид бошқа усул билан кураш олиб борилса, бунинг оқибати яхши бўлмайди. Бу бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келади.

Тўғри, аввалбошдан муҳрларни ихтиёрий равишда топшириш ҳақида сўз бормаган. Бош тортганларга текширувлар уюштириш билан пўписа қилганлар, айнан шундай қилганлар ҳам. Бу аҳолини ширкат раҳбариятининг молиявий суиистеъмолчиликларидан ҳимоялаш мақсадида қилинган бўлса, Уюшма бошқача усулда ёрдам бериши мумкин эди.

Мулкдорлар номидан прокуратура, судга мурожаат қилиб, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиши мумкин эди. Ана шунда муҳрлар ҳам ёнларида қолган, норозилик ҳам юзага келмаган, қонунларга ҳам риоя этилган бўлар эди.

Бироқ ўзларини қурбон сифатида кўрсатаётган ХУМШ раҳбарлари ҳам текширувлардан чўчиб, муҳрларни ихтиёрий равишда топшириб, мохиятан олганда худди шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйганлар. Демак, чўчишларига асос бор экан-да?

Бу борада қонунчилик нима дейди?

Эксперт шарҳи

Фақат муҳр соҳиби бўлган юридик шахс унга бевосита эғалик қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Муҳр юридик шахснинг мулки саналади. Муҳр йўқотилса, унга бевосита эғалик қилинмай қўйилганини аёнлатади.

Мазкур ҳолда чет шахс томонидан олиб қўйилиши натижасида муҳр йўқотилмоқда. Бу бошқанинг мол-мулкни ноқонуний эғаллаб олиш, яъни жиноятдир.

Муҳр салмоқли моддий қийматга эга бўлмаган, бироқ алоҳида ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган мол-мулкнинг алоҳида тури ҳисобланиши сабабли бундай ҳоллар учун махсус жиноий жавобгарлик нормаси белгиланган (ЎЗР ЖКнинг 227-моддаси).

Раҳбар чет шахсга муҳрни ихтиёрий равишда топширган тақдирда ўзбошимчалик билан иш кўриб, муҳрни ноқонуний эғаллаб олиш тарзидаги ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатни амалга оширишда қатнашган шахсга айланади.

Раҳбар ихтиёрий равишда муҳрни топширган шахс унга эғалик қилишга ҳақли эмас. Яъни унда муҳрнинг бўлиши ноқонуний эғалик қилиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, юридик шахснинг муҳрини эғаллаб олиш ўзбошимчалик билан иш кўришда ва юридик шахснинг фаолиятига тўқсинлик қилишда айблов қўйилишига, бу эса жиноий ва фуқаролик ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, ўз муҳридан маҳрум бўлган шахс етказилган моддий зарар қопланишини сўраб даъво қилиши мумкин.

Мисол учун, ХУМШ бир шахс билан арзон нархда ишларни бажаришга шартнома тузиш имконига эга бўлди, бироқ муҳр йўқлиги боис вақтни бой берди, ижрочи бошқа буюртмачининг ишини бажаришга киришди. Мазкур ижрочининг нархи билан бошқа ижрочиларнинг юқорироқ нархи ўртасидаги фарқ бой берилган фойда ҳисобланади, уни ундириш ҳақида судга даъво қилиш мумкин.

В. Стаховский.

Маблағлар тўплаган счётнинг калити

Қуйидаги саволлар ХУМШ раҳбарлари ва аъзоларига тинчлик бермаёпти:

1) «Банк-мижоз» тизими калитлари бухгалтерия ходимлари қўлади.

Бизга хабар беришларича, ХУМШ ишончномалари асосида банклар ягона бухгалтерия ходимларига «банк-мижоз» тизими калитларини тақдим этганлар. Калитлар фақат фойдаланилаётган счётни кўриш учун, операцияларни ўтказиш ҳуқуқисиз берилганлигини кўрсатдилар. Нима бўлмасын, бировнинг муҳрини ноқонуний сақлаш сингари, бу ҳам

юридик шахснинг ҳисоб-китоб счётига аралашши хавфини тугдиради. Айниқса ушбу хатти-ҳаракатлар учун иккинчи томоннинг жавобгарлиги қайд этилмаган, бухгалтерия ҳисоби-ни юритиш хизматларини кўрсатишга доир тўлақонли шартнома тузилмаган шароитда;

2) аванс тариқасида тўланган мажбурий бадаллар қайта ҳисобланади.

Дастур умумий мол-мулкни сақлаш учун аванс тўловларини қайта ҳисоблайди. Аҳоли бундан хабардор қилинмайди. Натижада уларда қарз

юзага келади. Қонун ҳужжатларида тариф ошган тақдирда истеъмолчиларнинг коммунал хизматлар учун аванс тўловлари қайта ҳисобланмаслиги белгиланган. Умумий мол-мулкни сақлаш учун аванс тариқасида тўланган мажбурий бадалларга келсак, бу масала тартибга солинмаган ва ширкат аъзолари умумий йиғилишида қўриб чиқиши қайд этилган. У турлича ҳал этилади. Баъзилар у ХУМШ учун фойда, уй аҳли учун рағбат деб ҳисоблайдилар. Айримларнинг аванслари бошқаларнинг қарзларини қоплайди, режалаштирилган ишларни бажариш имконини

беради. Узгача фикр ҳам мавжуд: бадал ошганда қайта ҳисоб-китоб қилинмаса, бу ХУМШ учун йўқотиш бўлади. Қандай бўлмасин — умумий йиғилиш қарор қабул қилиши шарт. Мулкдорларни бу борадаги фикри инобатта олиниши учун ягона бухгалтерияга умумий йиғилиш баённомасини тақдим этиш лозим;

3) бадалларнинг бир қисми қонунбузарликка йўл қўйган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Ягона бухгалтерия ходимларининг сўзларига қараганда, ширкатлар мулкдорлар ўз ёнларидан сарфлаган салмоқли нақд пуллар ҳисобига бажарилган ишлар суммаларини қайта ҳисоб-китоб қилганлар. Бунда ХУМШ мулкдорлар мажбурий бадалларининг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини уларнинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштиришни назарда тутувчи «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига ҳавола қилганлар.

Қайта ҳисоб-китоб катта суиистеъмошчиликлар билан амалга оширилган (ҳатто айрим ХУМШларда 2025 йилгача, ҳужжатларсиз, материаллар ҳақини тўлаш учун чекларсиз, умумий йиғилишлар баённомаларисиз ва ҳ.к.), молиявий ҳужжатларда акс этмаган.

Ширкатлар аъзолари ишларни бажариш учун нақд пулда тўплаган катта пул маблағлари қўпинча ҳеч қаерда акс эттирилмаган.

Бизга айтишларича, ягона бухгалтериянинг мақсадларидан бири — одамларни нақд пулда тўлашдан воз кечишга ўргатиш, сабаби уларнинг пуллари ҳисоб-китоб счётига тушмай қолиши хавфи бор. ХУМШ бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ягона услубияти йўқлиги ҳам қайта ҳисоб-китобда адашишга сабабчи бўлади. Битта бухгалтер йил бошида, бошқаси чоракда бир марта, учинчиси йил охирида қайта ҳисоб-китоб қилади. Натижада квитанция қўлда бўлса ҳам, бухгалтерия ҳужжатларида ҳеч қандай пул ўтказилмаган бўлиб чиқади.

«Биз уларнинг маблағлари ҳаракатланишини кўриб турган ҳозирги пайтда ҳам квитанциялардаги тўлов суммаси билан ширкатларнинг ҳисоб-китоб счётига тушган тушумлар ўртасида фарқ юзага келмоқда», — дея қайд этдилар бухгалтерия ходимлари. — «Мухрларни топширишдан олдин айрим ХУМШ раислари ҳисоб-китоб счётини четлаб ўтадиган бўш тўлов топшириқномаларини қозоғга чиқариб олдилар»;

4) уйбошилар фақат умумий йиғилиш қарори асосида мажбу-

рий бадалларни (ёки уларнинг бир қисмини) тўлашдан озод қилиниши мумкин.

ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиш қарори билан яхши ишлайдиган уйбошилар мажбурий бадаллар ёки уларнинг бир қисмини тўлашдан озод қилиниши мумкин. Бу рағбатлантириш бир марталик тўсга эга бўлиши ёхуд муайян даврда берилиши мумкин, бунини умумий йиғилиш баённомасида қайд этиш зарур. Бироқ ҳамма жойда қонунбузарликларга йўл қўйилади. Ягона бухгалтерия уйбошиларни фақат умумий йиғилиш баённомаси асосида ҳаққоний равишда тўловдан озод қилади;

5) тўлов ҳужжатларидаги имзо, маълумотномалар бериш.

Тўлов ҳужжатларига муҳр қўйиш заруратидан ташқари, солиштириш ва бажарилган ишлар далолатномалари, шартномаларда раҳбар имзоси ҳам бўлиши керак. ХУМШ раҳбарияти учун бу ноқулай: вақт сарфлаши, имзо қўйиш учун келиши керак. Мажбурий бадаллар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаларни ҳам ягона бухгалтерия беради, бу ХУМШ аъзолари учун ноқулайлик туғдиради. Ширкат аъзолари ХУМШ билан яқин муносабат ўрнатганини унутмаслик лозим.



Ягона бухгалтерия чет шахс сифатида ХУМШ аъзолари учун қўшимча хатти-ҳаракат қилиш мажбурияти ва заруратини юзага келтиришга ҳақли эмас;

6) ягона бухгалтерия қарз тўланганлиги тўғрисидаги билдиришномаларни шакллантиради.

Ягона бухгалтерия қарздорлар билан фаол ишлайди. Ҳар ойда мажбурий бадаллар бўйича қарзни тўлаш зарурлиги ҳақида билдиришномалар тайёрлайди, ХУМШ ва банк ходимлари уларни тўламайдиган фуқароларга етказадилар. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра бу иш самара бермоқда. Аҳоли қарзларни тўлай-

диган, ширкатлар эса кредитларни қайтарадиган бўлди;

7) мажбурий бадаллар бўйича қарз бўлганда пеня ундириш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Қарзни тўлаш зарурлиги ҳақидаги билдиришномаларда тушунчалар чалкаштириб юборилган: «умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадаллар» ва «коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар». Улар ўртасида катта фарқ бор, бундай ноаниқлик сабабли ХУМШ аъзоларига асоссиз пеня ҳисобланиши мумкин, айти пайтда мажбурий бадаллар бўйича қарз бўлганда пеня ундирилмайди.

Билдиришномада айтилишича: «ЎзР УЖКнинг 134-моддасига мувофиқ, кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий бадаллар ўз муддатида тўланмаган тақдирда, давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорлари, ижарага, арендага олувчилари кечиктирилган ҳар бир кунга юридик шахслар учун 0,4%, жисмоний шахслар учун 0,1% миқдорида, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди». Бироқ мажбурий бадаллар бўйича қарз ҳақида сўз бораётган бўлса, коммунал хизматлар ҳақида гапиришга не ҳолат?

Бадалларнинг йиғилувчанлиги ошди

«Ягона бухгалтерия» махсулотидан муҳрлар билан бўлган воқеалар; мажбурият; ноқулайликлар ва барқарор ишлаётган ХУМШ ҳуқуқларининг чекланиши; ижро этиш жараёнида қонун ҳужжатларига мос келмайдиган бошқа «агар»лар ҳисобга олинмаса; у синон тарикасидаги хизмат деб қабул қилинса, уни яратиш гоёси яшашга ҳақли. Қайси фуқаро доим ўз жойида ўтирадиган; тўғри ҳисоб юритилишини таъминлайдиган; уй аҳлининг киссасига қўл югуртиришни эмас, ҳар бир тийинни тежаш ҳақида қайгурадиган тажрибали бухгалтерлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган шартнома асосида маблаглари ҳисобини юритилишини истамайди дейсиз.

Бухгалтерия ходимларининг маълумотларига кўра, биринчи 10 кунда фақат битта даҳа бўйича бадалларнинг йиғилувчанлиги 10 (!!!) баравар ошди. Бу эса натижа, ютуқ демак. Унинг ишидан кўпроқ ХУМШ раҳбарлари норози бўлаётганлари қизиқ. Қизиқувчилар орасида буларнинг барини нима учун кераклиги тушунтирилган аҳоли кўпчиликти ташкил этади.

Бироқ муҳрларни олиб қўймасдан ширкат раҳбарияти-

нинг эҳтимолий сунистеъмолчиликларига қарши курашиш мумкин эди, бу муваффақиятли ишлаётган ХУМШ ишини тўхтатиб қўйди. Бунинг учун фуқаролар совуққонлик, масъулиятсизлик, ўғирлик, ўзбошимчилик учун жавобгарликни белгилловчи ҳуқуқий дастаклардан фойдаланиши керак. Ушбу дастаклар эса ишлаши керак.

Ягона бухгалтерия ишидан шикоятлар қилганда жиддий сунистеъмолчиликларда ҳам айбладилар. Бироқ биронта далил келтирилмади, ахборот манбаига ҳавола қилинмади, суд, прокуратурага биронта мурожаат тушмади — «текширув билан келишларидан чўчиймиз» дедилар. Бироқ бу ҳолда ўзгариш бўлмайди. Тўғри, текшириш ҳеч кимга хуш ёқмайди, бироқ қонун бўйича ишласа, бунинг чўчидиган жойи йўқ-ку. Бизга маълум қилишларича, 10 та ширкат ягона бухгалтерия энди иш бошлаганда унинг хизматидан воз кечган. Яна бир қанчаси қатъият билан муҳрларни қайтаришни талаб қилиб, уларни қайтариб олган. Хўш, гап нимада экан? Фуқаролик позициямиз сустиги оқибатида қонунга хилоф иш юритишларига қўйиб берган бўламиз.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробитчумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Ташвишга тушманг: «тариф режаси» «ҳаводан» олинган

Газетамиз ўқувчиси Анатолий Бурнаевнинг мурожаатидан сатрларни келтирамиз. Унинг хатида кўтарилган кўпгина саволларга бугунги мавзуй сонимиздаги материалларда жавоб берганмиз. Куйида эса «тариф режаси» хусусида фикр юритамиз.

«Яхшилаб ўйлаб кўрилса, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ХУМШ тушунчасини ва унинг асосий принципларини йўққа чиқариш бўйича тажриба олиб борилаётганга ўхшайди. Бизнинг «Nastarin Kommunal» ХУМШда содир бўлаётган ишларга қараб туриб, бошқача фикрга келиб бўлмайди.

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда – Қонун) 4-моддасида ХУМШ ўз фаолиятини ихтиёрийлик; ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик; ўзини ўзи бошқариш; очиклик ва ошкоралик; ўз ишчи бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш; коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат; уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш принципларига асосан қуриши белгиланган. Ушбу принциплардан лозим бўлган амал қилмаслик ХУМШ фаолиятининг асосига путур етказиши. Бу қоидаларнинг ҳаммаси бузилганда эса ширкат ва хусусий мулк ҳуқуқи поймол қилинган дейяверинг.

Яқинда бизни «Obod Uy» дастурига киритиб қўйишди. Бошқарув аъзоларини хабардор қилмаган ҳолда ширкатга аллақандай «штаб» раҳбарлик қила бошлади. Бошқарув раиси ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш, мажбурий бадаллар миқдорини ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдан бош тортмоқда. Нима масала бўлса, бухгалтерия ва муҳр ноқонуний тарзда, умумий мажлис қарорисиз топширилган «штаб»га мурожаат қилинганлар демоқда. Қайси шартларда шундай бўляпти, бу қандай тузилма ўзи, кимнинг вакили у – ҳеч ким билмайди. Аллақандай ягона ҳисоб-китоб маркази ёки унинг филиали ҳақида гап кетяпти деб гумон қилиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси Қонуннинг бир қатор қоидаларини қўпоқ равишда бузиш ҳисобланади. Натижада бизнинг ХУМШдаги вазият, ширкат аъзолари ва бошқарув ўртасидаги муносабатлар кескин ёмонлашди.

2017 йилнинг 1 ноябидан сметани тасдиқламасдан, батафсил калькуляцияни қилмай туриб, умумий майдоннинг 1 м² учун 600 сўм миқдоридеги бадални елқамизга юклаб қўйишди. «Obod Uy» тизимидаги шахсий кабинетда бизнинг сирли «штабимиз» аллақандай «тариф режаси»ни тақдим этди. Бу сметага ўхшаш нарсаси бўлса керак, ҳойнаҳой. Уни ким ишлаб чиққан, нимадан келиб чиқиб тайёрланган – тушуниб бўлмайди. Мушлак бемаъни, реал воқелик бузиб кўрсатилган.

Тариф режаси:

ойига 1 м² учун 600 сўм (умумий майдондан)

Худудларни тозалаш	– 150 сўм.
Коммунал мутахассисларнинг хизматлари	– 180 сўм.
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди	– 90 сўм.
Кредитча бўйича қайтариш суммаси	– 120 сўм.
ХУМШнинг 1.07.2017 йилдаги қолдиғи	– 60 сўм.

Ховли супурувчилар миннатдор бўлган бўларди

Биринчидан, аспида «тариф режаси» тушунчасининг ўзини ХУМШга нисбатан қўллаш нотўғри. Бу жойда даромад ва харажатларнинг сметаси бўлиши лозим. Тарифларни давлат коммунал хизматлари учун белгилайди. Ширкатда умумий мол-мулкни сақлаб туриш учун мажбурий бадаллар хусусида сўз кетмоқда. Буларнинг ўртасида муҳим ҳуқуқий фарқлар бор.

«Тариф режаси»га мувофиқ худудни тозалаш учун харажатлар умумий мол-мулкни сақлаш учун умумий йи-

гимларнинг 25%ини ташкил этади!!! Ширкатлар турар жойларининг умумий майдони 40 148 м² ни ташкил этади. Шунда яшовчилар худудни тозалаш учун ойига 150 сўм × 40 148 м² = 6 022 минг сўм тўлашади!!! Ширкатда, дейлик, икки нафар ховли супурувчи бўлса, солиқ ва ижтимоий тўловларни чиқариб ташлаганда ҳам ҳар бир супурувчининг меҳнат ҳақи 1,5 млн сўмдан кўп бўлиши мумкин эмас. Улар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга қабул қилинган тақдирда ҳам шундай.

Ташқи шахслар томонидан зўрлаб жорий этиладиган «клондайк», «лохотрон» ёки истиқбол учун «ишлаб чиқариш ҳамиртуруши». Бу фақат худудни тозалаш учун. Бу турдаги калькуляциянинг бошқа намуналари ҳам аҳолидан, шу жумладан пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган фуқароларнинг кассасидан пулни сугуриб олишга асослангандир...» деб таърифлайди вазиятни Анатолий Бурнаев.

Ҳар қандай ўртамиёна дастур фойдаланувчиси ҳам унчалик мураккаб бўлмаган арифметик ҳисоб-китоблар ёрдамида раиснинг ўта саводсизлиги ёки маблагларни ўзлаштириш чизма-

си ёхуд дастурнинг номукамаллигига баҳо бериб, «тариф режаси»дан ҳайратга тушади. Унинг тағида ҳаволаси ҳам бор: «ХУМШнинг харажатлари бўйича аниқ маълумотларни яқин вақт

оралигида кўрсатамиз». Қизиқ, деярли 8 ой ишлайдиган дастурга ноаниқ маълумотлар киритилган экан-да?

Яна бир жиҳат. ХУМШнинг тасаруфида кадастр ҳужжатлари билан мустаҳкамланган ер участкаси мавжуд бўлмаса, қандайдир ер участкасини сақлаб туриш тўғрисида гап бориши мумкинми? Худудни ХУМШнинг штатдаги супурувчиси тозалаётган бўлса, унинг маоши алоҳида таркиб сифатида кўрсатилмасдан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондида акс этиши керак эмасми? Лекин «тариф режаси»да супурувчига қилинадиган харажатлар бошқа ҳамма харажатлардан аниқ ўтиб тушади ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди параметрларига ҳеч мос тушмайди.

Бадал миқдоридан ташқари, «тариф режаси»нинг барча кўрсаткичлари – шунчаки сурат эканлиги, дастурчилар шахсий кабинетда мазкур

блок қандай кўриниши кераклигини кўрсатмоқчи бўлганлари билан изоҳланишини билгач, ҳайратимиз янада ошди. Ундаги маълумотлар айнан «ҳаводан» олинган бўлиб, ХУМШдаги реал воқеликни акс эттирмас эди. Мана бу қутилмаган ҳолат бўлди!!! Фойдаланувчиларнинг қайси бири бу ҳақда билади? Ахир улар «тариф режаси»ни унинг кўрсаткичлари билан бирга жиддий қабул қилишган ва ундаги бемаъниликни ХУМШ раҳбарияти ёки «Obod Uy»нинг маъмурияти билан боғлашади. Бироқ энг муҳими – даромадлар ва харажатлар сметаси параметрлари тўғрисидаги ишончли ахборотсиз, бадал таркибисиз дастур ўз қиммати ва фойдалигини йўқотади.

Нима қилиш керак? ХУМШ раислари сметани мустақил ёки дастурчи ёрдамида жойлаштира олиши учун ушбу блокни қайта ишлаш лозим бўлади.

Ишонч йўқотилган

«ХУМШ раисининг сўзларига кўра, банкдан кредит олинбди, ваҳоланки, ширкатда кредит шартномасининг ўзи мавжуд эмас. У гўё банкда бўлиб, барча пул оқимлари билан эса аллақандай «штаб» шугулланаётган эмиш, – деб ёзади Бурнаев. – Лекин кредит олиш учун ХУМШ барча аъзоларини бундан хабардор қилиши, умумий мажлис қарорини олиши керак эди, бу ишлар эса қилинган эмас. Демак, ташқи шахслар бизни хабардор қилмаган ҳолда кассамизга қўл суқиб, ширкат аъзолари бутун умр тўлаб боришлари керак бўлган қарз маблагларини зиммамизга юклаб қўйишибди-да?».

«Кредит олиш хусусидаги қарор ХУМШнинг ички иши, – дея қайд этишди ягона бухгалтерияда, – биз бу ишга таъсир кўрсата олмаймиз. «Nastarin Kommunal» ХУМШ тўртта кредитни тўлаб келмоқда. Улардан икkitаси – 70 млн сўм ва 72 млн сўмлиги 2016 йилда олинган. Улар ҳар ойда қуйидагича сўндириб борилади: 2 296 минг сўм + 1 065 минг сўм (фоиз тўловлари) = 3 361 минг сўм.

Кейинги икkitа кредит 2017 йилда олинган: 370 млн сўм ва 251 млн сўм. Яъни 10 йил муддатга 621 млн сўм (ярим миллиарддан кўпроқ!), уни қайтарадиган аҳоли эса қарздорлигидан ўзи беҳабар?! Бу икkitа кредит бўйича имтиёзли муддат – 2019 йилгача. Тўланадиган ойлик фоизлар – 4 654 500 сўм. Тўрттала кредитни сўндириш учун ойига 8 018 500 сўм кетади ёки бу ҳар ойлик бадаллар тушумининг 1/3 қисмини ташкил этади. Аслини олганда, бошқа ширкатлар билан солиштирганда бу унчалик катта сумма эмас.

Бу ахборотни мурожаат муаллифи

бемалол ягона бухгалтериядан ола биларди. Қолаверса, у «штабга ўхшаб «Nastarin Kommunal» ХУМШ билан ёнма-ён жойлашган. Вазиятни ўрганаётган жараёнимда ХУМШда яшовчилар ва уларнинг раҳбарларига «Obod Uy»нинг ишига доир тушунарсиз жиҳатлар ва марказлаштирилган бухгалтерия томонидан кўрсатиладиган хизматларни тушунтириб бераётганлари устидан қиздим. ХУМШ устидан яшовчиларнинг назорати ўрнатилмаган жойда кредитлар қонун ҳужжатларини бузган ҳолда олинади. У ҳолда раис, ижрочи директорни алмаштириш, прокуратура, суд, турар жой инспекциясига мурожаат қилган ҳолда вазият устидан назоратни қўлга олиш зарур. Кредит миқдори билан боғлиқ масала – ХУМШ аъзолари учун ўта жиддий масала. Чунки кредитни қайтариш ва улар бўйича фоизлар тўлаш ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари таркибига киритилади. Бунда кредит айнан қайси уй учун, қайси ишлар учун олинган, мақсадли фойдаланилиши, ишларнинг сифатли бажарилганлиги шарт қилиб қўйилмайди.

«ХУМШ фақат қонунлар асосида иш юритиши керак, ҳеч қандай тузилмаларнинг улар фаолиятига аралашшига ҳақи йўқ, – деб ёзади ўқувчи. – Ширкатлар хизматларни бошқарувчи компанияларга ёки умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларига буюртма бериши мумкин, лекин бу иш фақат танлов асосида бўлади. Бу умумий мажлис қарорига буювон мустаҳкамлаб қўйилган уларнинг ихтиёрий иши бўлиши керак, мажбурияти эмас. Мажбурий бадаллар миқдорини четдаги ташкилотлар эмас, балки фақат ХУМШ аъзолари даромадлар ва харажатлар сметаси асосида, умумий мажлис қарорига кўра тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Бунда эса бошқа воқелик ҳукмдорлик қилмоқда: ўз хатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликни зиммасига олмайдиган, ўзини ўзи бошқаришни тўлиқ бир қопилга солишга уринаётган, мажбурий юкланаётган ва ХУМШнинг назоратида бўлмаган ташкилот тегиштирилипти. Буни Қонун билан ўйнашдан бошқа нарсаси деб бўлмайди. Лекин бу «ўйинлар» учун жавобгарлик муқаррарлигини ҳали ҳеч ким бекор қилмаган».

Мулкдорнинг ушбу мулоҳазасига қўшилмай илож йўқ.

Ирина Гребенюк, ўз махсус мухбиримиз.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Оддий ёзма шаклда

Фуқаролар юридик шахсдан автомобилни 30 кунгача муддатта нотариал тасдиқлашсиз ижарага олишлари мумкин. Бундай ўзгартиришлар 26.07.2018 йилдаги ЎРҚ-488-сон Қонун билан Фуқаролик кодексининг 565-моддасига киритилди.

Белгиланишича, энгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан энгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини 30 кунгача бўлган муддатта ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда (яъни нотариал тасдиқлашсиз) тузишлари мумкин.

Хозирги кунда Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарорига 1-илова) 45-бандига биноан нотариал тасдиқланган автомобилни ижарага бериш шартномаси ДИХХХ органларида ҳисобга қўйилади. Юридик шахс жисмоний шахсга автомобилни ижарага беришига асос бўладиган қисқа муддатли ижара (30 кунгача) шартномаларини расман ҳисобга қўйишга зарурат йўқ, нотариал тасдиқлаш ҳам талаб этилмайди.

Шуни ҳам қайд этиш кераки, Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек Тадбиркорлик фаолияти

соҳасида рухсат бериш тусидаги ҳужжатлар рўйхатида тадбиркорлик субъектлари томонидан бундай фаолият турига рухсатнома олиш мажбурияти назарда тутилмаган.

Бироқ мазкур жиҳатларга кейинроқ батамом ойдинлик киритилади, чунки қонун ижроси юзасидан қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.07.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Йўллардаги ўзгаришлар

Мамлакатимизда йўл инфратузилмасига тааллуқли бўлган эски стандартлар янгиланади, йўл белгилари кўпаяди, йўл қурилишининг сифати оширилади ва йўл бўйи ҳудудлари кўкаламзорлаштирилади.

Хукуматнинг 26 июлдаги 584-сон қарори билан автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тасдиқланди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг матбуот хизматида хабар берилди.

Ҳужжатда белгиланишича, 1970–80-йилларда ишлаб чиқилган амалдаги стандартлар, шу жумладан светофор билан тартибга солиш, йўлдаги тўсиқларни, йўл устига чиқиқлар тортиш ва йўл белгиларини кўллашга доир стандартларни янгилаш талаб этилади. Хатлов натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимиз автомобиль йўлларидаги 70 мингдан ортқ эскирган йўл белгиларини алмаштириш ва 136 мингта қўшимча янги кўрсаткичларни ўрнатиш зарур.

Қарорда 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доирасида йўл инфратузилмасини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

1) йўл устига чиқиқлар тортишда, йўловчилар ўтиш жойларини, автомобиль йўллари кесишадиган ва туташадиган жойларни, автомобилларнинг қисқа муддат тўхтаб туриш ва тўхташ жойларини қуришда инновацион ишланмаларни ҳамда нур қайтарувчи материалларни кўллаш асосида йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш;

2) йўл ҳаракати иштирокчиларини йўналиш бўйлаб сифатли навигация билан таъминлайдиган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини, шу жумладан чет тиллардаги йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини етарли миқдорда ўрнатиш орқали «гапирадиган йўл» принципи бўйича йўл ҳаракати

иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш;

3) автомобиль йўллари фойдаланувчиларига юқори даражада қулайлик яратиш учун зарур шарт-шароитлар барпо этиш, йўл бўйи ҳудудларини тўлиқ кўкаламзорлаштириш, обод қилиш ва меъморий-ландшафт лойиҳасини тузиш, мазкур ҳудудларда инфратузилма объектларини оқилона қуриш ҳисобига транспорт воситаларининг экологияга салбий таъсирини камайтириш;

4) ахборот-коммуникация технологияларини, техник воситалар ва дастурий маҳсулотларни автомобиль йўлларини қуриш, тўғрилаш ва улардан фойдаланиш жараёнига кенг жорий этиш;

5) йўлларни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш ва ҳудудларни обод қилиш, шунингдек тартибга солишнинг техник воситаларига қўйилган замон талабларига жавоб берадиган, шунингдек, республика ҳудудларининг табиий-иклим шароитларига мослаштирилган замонавий чидамли материаллардан, бутловчи, таркибий қисмлардан фойдаланиш ҳисобига автомобиль йўлларидан фойдаланишда харажатларни камайтириш.

2019–2023 йилларда йўл белгилари ишлаб чиқаришни ва уларни республика автомобиль йўлларига ўрнатишни, йўл устига чидамли чиқиқлар тортишни ташкил этиш дастури тасдиқланди. 409,3 мингта белги ўрнатиш ва 170,7 минг км чиқиқ тортиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 382,265 млрд сўм йўналтирилади.

2019 йилдан бошлаб магистраль автомобиль йўллари ва шаҳар марказий кўчаларида энергия тежовчи технологиялар ва қуёш энергияси манбаларидан фойдаланган ҳолда электрон ахборот-кўрсаткич ва оғоҳлантириш белгиларини ўрнатиш мўлжалланган.



Жорий йилнинг охирига қадар замонавий стандартларни ва ранглар гаммаси тоифаланган ёндашувни, яъни яшил рангли ахборот-кўрсаткич белгиларидан кўпроқ фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўлларини йўл белгилари билан жиҳозлаш, йўл устига чиқиқлар тортиш ва йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа элементларни ўрнатишга қўйилган талабларни тасдиқлаш топширилди.

Йўл бўйидаги инфратузилма объектларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкалари беришда уларнинг зиммасига автомобиль йўллари атрофидаги ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва обод қилиш мажбурияти юкланмоқда, бунда давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этиш режалаштирилган.

2019 йилда узунлиги 5 км дан бўлган «Тошкент–Самарқанд» йўналиши бўйлаб М-39 ва «Ўлистон–Даштобод» йўналиши бўйлаб автомобиль йўллари участкаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича дастлабки лойиҳалар амалга оширилади. Бунда энергиянинг муқобил манбалари асосида кўча чироклари ва йўлни тартибга солувчи техник воситаларни, светодиодлар ва нур қайтаргичлардан фойдаланган ҳолда йўл белгиларини, шунингдек, автомобиль йўллари атрофидаги ҳудудлар ландшафтини лойиҳалаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг замонавий элементлари ўрнатилади.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибида «Махсусйўлқурилиш» ДУК ташкил этилмоқда, у цементбетон қопламали автомобиль йўллари қурилишини ҳисобга олиб, замонавий илғор инновацион технологияларни жорий этади.

Дастурда бошқа тадбирлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, махсус йўналишлар бўйича техник кадрлар малакасини ошириш курслари ташкил этилади, йўл қопламасини шомол туғайиши нурашидан, ер ости сувларидан, қор ва қум уюмларидан ҳимоя қилишни таъминлаш учун маҳаллий табиий-иклим шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўллари бўйлаб дарахтлар экиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади ва бошқалар.

Муҳандислик коммуникацияси тармоқларини қуриш ва таъмирлашда шаҳар кўчалари ва бошқа аҳоли пунктларининг йўл қопламасини демонтаж қилиш ҳамда тиклаш бўйича ишларни назорат қилиш, бунда, зарурат бўлса, ишлар сифатини бузганлик ва ишларни тегишли рухсатларсиз бажарганлик учун маъмурий жавобгарликни кўллаш вазифалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юклатилди.

gazeta.uz материали асосида.

Иттифоқий-хукусий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
**Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ**

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Самидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва қайри қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муражат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўроз беғими – АЗ. Ҳаёми – 2 босма таъриф. Баёриқ келтирилган нархда.
Буқорига 340. Адади 825. Газета 2018 йил 6 август соат 17.30 да топширилди.